

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МУҲАМЕДОВ АЗИЗБЕК ХОЛМУРАТ ЎҒЛИ**

**XX АСР ЕВРОПА ВА ЎЗБЕК ТАРЖИМАШУНОСЛИГИНИНГ  
ТАРАҚҚИЁТ ПРИНЦИПЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of the abstract of dissertation of Doctor of philosophy (PhD)  
in philological sciences**

**Мухамедов Азизбек Холмурат ўғли**

XX аср Европа ва Ўзбек таржимашунослигининг тараққиёт принциплари..... 3

**Мухамедов Азизбек Холмурат угли**

Принципы развития переводоведения в Европе и в Узбекистане

в XX веке ..... 27

**Mukhamedov Azizbek Kholmurat ugli**

Principles of development of Translation studies in Europe and Uzbekistan

in XX century ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 55

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМІЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01  
РАҚАМЛИ ИЛМІЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МУҲАМЕДОВ АЗИЗБЕК ХОЛМУРАТ ЎҒЛИ**

**XX АСР ЕВРОПА ВА ЎЗБЕК ТАРЖИМАШУНОСЛИГИНИНГ  
ТАРАҚҚИЁТ ПРИНЦИПЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil873 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

**Холбеков Муҳаммадҷон Нурқосимович**  
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

**Қаршибоева Улжон Давировна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Йўлдошев Улуғбек Равшанбекович**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «23» Уюл соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд ш., Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 233-78-43, факс (998966) 210-00-18; e-mail: [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93. Тел.: (99866) 233-78-43, факс: (99866) 210-00-18.

Диссертация автореферати 2021 йил «12» Уюл куни тарқатилди.  
(2021 йил «12» Уюл даги № 23 рақамли реестр баённомаси)



**И.М. Тухтасинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

**Ш.С. Ашуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари номзоди, доцент

**Ш.С. Сафаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таржимашунослик илмининг тараққиёти, халқлар ва тиллар ўртасидаги маданий алоқалар ривож, XX аср таржима назариясининг мустақил фан сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этган тарихий ҳодисалар, таржима илмига оид назарий қарашлар ва концепцияларни тадқиқ этиш ва таржима амалиётининг турли йўналишларини таҳлил қилиб берган илмий асар ва тадқиқотларни ўрганиш таржимашунослар олдида турган муҳим масалалардан биридир. Европа ва ўзбек таржима назариясининг тараққиёт омилларини аниқлаш ва таржимашунослик илмининг фан сифатида шаклланиш босқичларини тадқиқ қилиш, хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга билвосита ва бевосита таржима қилишнинг назарий муаммоларини ўрганиш, шунингдек, ўзбек таржима назариясининг тараққиёт тамойилларини аниқлаш таржима илмининг долзарб масалаларидан биридир.

Дунё илм-фанининг жадаллик билан тараққий этиб адабиёт ва санъатда янги жанр ва услубларнинг шаклланиши таржима назарияси ва амалиётига бўлган талаб ҳамда эҳтиёжни ошириб юборди, бу эса мустақил таржимашунослик фанининг юзага келишига замин ҳозирлади. Халқаро таржимонлар федерациясининг асосчиси Пьер-Франсуа Кайе таъкидлаганидек, “XX аср - таржима асри” деган ном олди. Таржима илми тараққиётга оид фикрларни жамлаш ва оммалаштириш, шунингдек, инсон ижодининг мураккаб шаклларида бири бўлган бадиий таржима концепциясини англашга ёрдам бериш, бугунги давр таржима муаммоларини таҳлил этиш ва уларнинг ечимини топиш усулларини тадқиқ қилиш, турли миллий адабиётларнинг тил тизимлари ва лингвостилистик жиҳатларига боғлиқ янгича ёндашувлар асосида ёритиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Мустақиллик йиллари ўзбек таржимашунослигида дунё таржима илми концепциялари, устувор йўналишлари ва замонавий ёндашувларни фаол ўзлаштириш ва амалиётга жорийлаш тамойиллари шаклланди. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорда “...миллий ва жаҳон адабиёти намояндаларининг етук асарларини саралаш, таржима қилиш ишлари пухта ўйланган тизим асосида ташкил этилмагани, ...жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ва ўзбек адабиётининг энг яхши асарларини чет тилларига таржима қилиш ишларининг танқидий таҳлили”<sup>1</sup> амалга оширилиши зарурати ва бу масалаларни атрофлича илмий муҳокама қилиш вазифалари мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори //“Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 14 сентябр, № 184 (6878)-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харажатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида” қарорлари ҳамда мазкур тадқиқот мавзусига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда таржима назарияси XX асрнинг бошларида Европа таржимашунослиги билан вобаста шаклланиб тараққий қилди. Дастлаб, Европада “таржима” тушунчаси тарихий, фалсафий ва адабий асарлар таржимасига нисбатан ишлатилган бўлиб, оғзаки таржимонларга славян халқларида “Толмач”, олмонларда “Dolmetscher”, француз ва инглизларда “Interpret” сўзлари қўлланилган. Таржима назариясига оид қарашлар ҳам шу тарзда умумий мазмунга эга бўлган. Таржима назариётчиси Ж.Муненнинг эътироф этишича, Ф.де Соссюр (1857-1913) ва О. Есперсен 1860-1943) тадқиқотларида, Ш.Балли (1865-1947) ва Ж. Вандриес (1875-1943) асарларида таржима назарияси хусусида системали фикрлар ёки тезислар учрамайди<sup>2</sup>.

XX асрнинг 50 йилларида Европа, рус ва ўзбек олимлари томонидан таржима назарияси мустақил филологик фан бўлиши исботланди. Кейинчалик, йирик тилшунос ва адабиётшунос олимлар Л.С. Бархударов, А.Д. Швейцер, В.Н. Комиссаров, Я.И. Рецкер, А.В. Кунин, П.Топер, Г.Гачечиладзе, Е.Эткинд, И.Ревзин ва В.Розенцвейг, Ғайбулла Саломов ва Қудрат Мусаев кабиларнинг таржима назариясининг тилшунослик ва адабиётшунослик муаммоларига оид илмий асарлари ва тадқиқотлари чоп этилди. Р.Якобсон, А.Людсканов, О.Каде, Р.Юмпельт, И.Левый, А.Попович, Р.Клөпфер, Р.Р. Вутеноу, М.Снелл-Хорнби, В.Вильс, Ж.Холмс, Г.Гадамер, А.Лилова ва Г.Тури сингари олимларнинг таржимашуносликнинг турли муаммолари таҳлилига бағишланган тадқиқотлари майдонга келди. Ю.Пўлатов, М.Расулий, М.Бақоева, Н.Комилов, Л.Абдуллаева,

<sup>2</sup> Mounin, G. Die Übersetzung: Geschichte, Theorie, Anwendung. - München, 1967. - S. 66.

А.Абдуазизов, Э.Азнаурова, Ж.Бўронов ва Қ.Мусаев сингари ўзбек олимлари ҳам таржимашунослик ва таржима назарияси тараққиёти ва муаммоларига оид тадқиқотлар яратишди.

Таржима назариясига оид илмий асарларнинг яратилиши ўтган асрнинг 20-йилларида бошланган эди. Ж.П. Постгейт<sup>3</sup>, М.Алексеев<sup>4</sup>, Ф.Р. Амос<sup>5</sup>, А.Финкель<sup>6</sup> китобларида, С.Сиддиқнинг рисоласида<sup>7</sup> таржима назариясининг турли аспекти хусусида фикр юритилган. 1950 йиллар ўзбек олимларидан Н.Владимирова<sup>8</sup>, Ж.Шарипов<sup>9</sup>, М.Расулий<sup>10</sup>, Ғ.Саломов<sup>11</sup> ҳамда Ю.Пўлатовларнинг<sup>12</sup> тадқиқотларида таржима назарияси мустақил фан сифатида эътироф этилди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмига келиб Ўзбекистонда таржима назариясига оид бир қатор тадқиқотлар яратилди. Биргина ўзбек тилидан ғарб тилларига ва ғарб тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш ва таржима назариясининг турли муаммоларига бағишланган Қ.Мусаев, Ю.Пўлатов, А.Нарзикулов, Д.Ғуломова, Р.Сайфуллаева, С.Очил, И.Мирзаев, Я.Эгамова, М.Холбеков, Е.Хамроев, Ғ.Хўжаев, Р.Абдуллаева, Қ.Тожиев, Ў.Сотимов, Қ.Жўраев, С.Олимов кабиларнинг номзодлик, Н.Комилов, Қ.Мусаев ва М.Холбековларнинг докторлик диссертациялари химоя қилинди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Таржима назариясининг тилшунослик ва адабиётшунослик муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** XX аср ўзбек таржимачилиги анъаналарини Европа ва собиқ иттифоқ таржимашунослиги билан қиёслаган ҳолда ўрганиш ва унинг ютуқ ва камчиликларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

XX аср Европа ва ўзбек таржимашунослигининг фан сифатида шаклланишини тадқиқ қилиш;

XX аср Европа ва ўзбек таржима назариясининг тараққиёт принципларини аниқлаш;

Европа ва ўзбек таржима назарияси ривожда реалистик таржима назариясининг ўрнини кўрсатиб бериш;

<sup>3</sup> Postgate Z.P. Translation and translations. Theories and practice. London, 1922. – 206 p.

<sup>4</sup> Алексеев М.П. Проблема художественного перевода//Сборник трудов Иркутского Гос.Университета, Том XVIII. вып. 1. Иркутск, 1931. - С. 149-150.

<sup>5</sup> Amos F.R. Early theory of Translation. N.Y., 1920. – 184 p.

<sup>6</sup> Финкель О.М. Теория и практика перевода. Харьков, 1929. – 168 с.

<sup>7</sup> Сиддик С. Адабий таржима санъати. - Тошкент: Ўздавнашр, 1936. – 72 б.

<sup>8</sup> Владимирова Н.В. Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык: АКД. Ташкент, 1957. – 124 с.

<sup>9</sup> Шарипов Ж. Русчадан ўзбекчага шеърӣ таржиманинг баъзи масалалари. - Т.: ЎзФА нашриёти, 1959.

<sup>10</sup> Расулий М. Владимир Маяковский асарлари ўзбек тилида. - Тошкент: Фан нашриёти, 1961.

<sup>11</sup> Саломов Ғ. Рус тилидан ўзбек тилига мақол, матал ва идиомалар таржимаси. - Тошкент: Фан, 1961.-162 б.

<sup>12</sup> Пулатов Ю. Зарубежная литература в Узбекистане и переводы новелл Мопассана. АКД. - Самарканд, 1963. – 22 б.

хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилишнинг назарий муаммоларини тадқиқ қилиш;

XXI аср ўзбек таржима назариясининг тараққиёт принципларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида XX аср Европа, собиқ иттифоқ ва ўзбек таржима назариясига бағишланган илмий тадқиқотлар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни XX аср Европа, собиқ иттифоқ ва ўзбек таржима назариясининг қиёсий таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида тарихий-адабий, қиёсий-тарихий таҳлил, аналитик ва қиёсий-чоғиштира таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба XX аср ўзбек таржимашунослиги Европа ва собиқ иттифоқ давлатлари таржима назариялари билан қиёсланиб, ғарб ва рус таржимашунослигининг ўзбек таржима назариясининг мустақил фан сифатида шаклланишига таъсири ҳамда назарий-методологик асослари аниқланган;

Европа давлатлари, собиқ иттифоқ республикалари ва ўзбек таржимашунослигининг диахроник ривожланиши, таржима назариясининг мустақил фан сифатида шаклланиши ва XX аср таржимачилик фаолиятининг тараққиёт босқичларидаги коррелятивлик принципи асосланган;

XX аср Ғарбий Европа, Россия ва ўзбек таржима назарияси тараққиётининг устувор йўналишлари яқиндан ўрганилиб, таржимада аслиятга содиқлик ва ижодий ёндашувга асосланган реалистик таржима назариясининг транслотологияни фан сифатида тараққиётидаги концептуал-методологик, яъни илмий-назарий асос сифатидаги ўрни кўрсатиб берилган;

XX ва XXI асрларда ўзбек таржима назарияси эришган ютуқлар хронологик тарзда, хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга таржиманинг адабий ва лингвистик принципларига бағишланган фундаментал назариялар (лингвистик ва бадий таржима назарияси, умумий, жузъий, махсус ва машина таржимаси назариялари) ва қарашлар (Р.Якобсон, А.Людсканов, О.Каде, Э.Кари, Ж.Мунен, Т.Сейвори, Ж.Кэтфорд, К.Райс, Ж.Холмс, А.Федоров, И.Левий, С.Сиддик, Ғ.Саломов, Қ.Мусаев каби олимлар қарашлари) тадқиқи асосида тавсифланган;

хорижий тиллардан ўзбек тилига билвосита ва бевосита таржиманинг адекватлик ва эквивалентлик каби назарий муаммолари мавжуд назариялар (таржиманинг семантик, лингвистик, бадий, коммуникатив-функционал, таржимага матний ёндашув, Скопос назариялари) асосида ёритилган ҳамда XXI аср ўзбек таржима назариясининг илмий-амалий тараққиёт принциплари очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотда эришилган натижалар ва хулосалар ўзбек таржима назарияси тарихини яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади;



диссертация мазмуни ва натижалари ўзбек таржима назариясини ғарб ва рус таржимашунослиги анъаналари ва концепциялари билан бойитишда муҳим қўлланма вазифасини ўташи асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, қўлланилган ёндашувлар, усулларнинг ва назарий маълумотларнинг таржима назариясига мослиги ва методологик жиҳатдан асосланганлиги, таҳлилга тортилган материалнинг инглиз, немис, француз, рус ва ўзбек адабларининг асарларидан олинганлиги, муаммонинг аниқ шакллантирилганлиги, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва эришилган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти олий ўқув юртларининг филология факультетларида “Таржимашуносликка кириш”, “Таржима тарихи”, “Таржима назарияси ва амалиёти” фанларнинг маъруза ва амалий машғулотларини, дарслик ва ўқув қўлланмаларни янги илмий ва назарий маълумотлар ва замонавий ёндашувлар билан бойитиш, таржимашунос тадқиқотчилар фаолиятини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш орқали белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шулардан иборатки, олинган назарий хулосалар таржимашунослик муаммоларини тадқиқ қилиш жараёнида илмий ва назарий манба сифатида хизмат қилиши ва тадқиқот материалларидан “Таржима назарияси ва амалиёти” каби ўқув курслар учун дарслик, ўқув қўлланма ва дастурлар тайёрлашда, магистирлик диссертациялари ва битирув малакавий ишларни тайёрлашда, махсус курс ва амалий машғулотларни ташкил қилишда ўқув-услубий қўлланма ва материал сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** XX аср Европа ва ўзбек таржимашунослигининг тараққиёт принциплари тадқиқи ва таҳлили натижасида олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек таржимашунослиги Европа ва рус таржима назариялари билан қиёсан ўрганилиши, XX аср таржима назарияси тараққиёти ва таржима амалиётига оид материаллардан И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” мавзусидаги инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 сентябрдаги 89-03-3360-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида тадқиқотчи ва ўқитувчиларнинг таржима назарияси, таржима методлари, тилшунослик ва адабиётшуносликка оид билим ва малакалари янада такомиллаштирилган;

Европа давлатлари, собиқ иттифоқ республикалари ва ўзбек таржима назариясининг мустақил фан сифатида ривож ва таржима назариясининг фан сифатида тараққиёти принципларига оид назарий хулосалар Жиззах политехника институтида бажарилган “Создание профориентационного центра и совместной учебной лаборатории по электронике” номли лойиҳаси

доирасида ўқув дастур ва модулларни шакллантириш, талаба ва ўқитувчиларининг ўқув машғулотларда ва малака ошириш жараёнида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 сентябрдаги 89-03-3360-сон маълумотномаси). Натижада ўқитувчи ва талабалар XX аср таржима илми тараққиёти ва таржима назариясининг фан сифатида шаклланиши, Европа, рус ва ўзбек олимларининг таржимашуносликка оид назарий қарашлари, таржима тарихи ва методларига оид маълумотларга эга бўлишган;

XX аср Европа, рус ва ўзбек таржимашунослигининг тараққиёт принциплари, таржима илмида олим ва тадқиқотчилар томонидан эришилган ютуқлар ва таржима методларини таҳлилий ўрганиш хулосаларидан Жиззах давлат педагогика институтининг Чет тиллар факультетида ўқув дастурлар ва ўқув услубий мажмуалар шакллантиришда, маъруза ва семинарларда фойдаланилган (А.Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг 2020 йил 18 августдаги 04-308-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши таржима назарияси ва амалиёти фани ўқув дастурлари ва ўқув услубий мажмуаларни янги маълумотлар билан бойитиш, XX аср таржима назарияси тараққиёт омиллари ва фан сифатида шаклланиши, назарий концепциялар ва таржима амалиёти ҳақида маълумотлар тарғиботи учун хизмат қилган;

XX ва XXI асрларда ўзбек таржима назарияси эришган ютуқлар, хорижий тиллардан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан хорижий тилларга таржима қилиш принципларига оид илмий тадқиқотлар хулосаларидан Жиззах вилояти телерадио-компаниясининг 2020 йил 5 июль куни эфирга узатилган “Сарчашма” кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти бўлимининг 2020 йил 13 августдаги 02-09/638-сон маълумотномаси). Натижада XX аср Европа, рус ва ўзбек таржимашунослигининг тараққиёт тамойиллари, таржимашунос олимларнинг назарий концепциялари ва таржима методларига оид маълумотлар орқали кўрсатув мазмуни бойитилишига эришилган;

Республика маънавият ва маърифат маркази Жиззах вилоят бўлими томонидан ташкил этилган семинарларда диссертация янгиликлари, хорижий тиллардан ўзбек тилига билвосита ва бевосита таржима қилишнинг назарий муаммолари, XXI аср ўзбек таржима назариясининг илмий ва амалий тараққиётига оид материаллардан фойдаланилган (Жиззах вилоят маънавият ва маърифат Кенгаши Жиззах вилоят бўлимининг 2020 йил 13 августдаги 01-142-сон далолатномаси). Натижада ёшларнинг маънавий-маърифий ва китобхонлик савияси такомиллаштирилган, таржима усуллари ва таржима амалиётининг миллатлараро мулоқот ва адабий асарлар таржимасидаги аҳамияти тарғиб қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг асосий натижалари, 9 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон

Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 147 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Диссертациянинг кириш қисмида** танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, мақсад ва вазифалари, объекти, предмети, методологик асоси ва методлари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилинганлиги ва апробацияси ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Европа ва ўзбек таржима назариясининг илк шаклланиш даври (1920-1940 йиллар)”** деб номланган биринчи бобида таржима, таржима назарияси ва таржимашунослик тушунчалари, Европа таржима назариясига оид дастлабки тадқиқотлар ва ўзбек таржима назариясини яратишдаги илк уринишлар ҳақида сўз боради.

Инсоннинг энг қадимги касбларидан бири бўлган таржима бир тилда ифодаланган мазмунни бошқа тил воситалари ёрдамида ўтириш жараёнини белгилайдиган ақлий ва ижодий фаолият туридир. Ҳар қандай таржима бирламчи матнга нисбатан баҳоланади, баҳолаш мезонлари эса турли давр ва жамиятларда ўзгариши мумкин. Таржиманинг мазмуни, турлари, функциялари таърифлари замон ва макон ўлчамида “чексиз” ва ранг-барангдир. Мавжуд таърифлар таржима фаолиятининг асосан учта тури - адабий, лингвистик ва машина таржимаси доирасида амалга оширилган. Ташкил топганидан бери таржима турли характердаги ахборот алмашинувларини осонлаштириб келмоқда, аммо таржима назариясининг яратилиши фақат XX асрга тўғри келади. Таржима амалиётига хос бўлган концептуал изланишлар ва интуитив технологиялар таржима назарияси фанининг шаклланишига сабаб бўлди.

Таржима назарияси тушунчаси таржиманинг умумий, махсус назариялари ҳамда машина таржимаси назарияларини ўз таркибига олади. Таржимашунослик бир лисоний жамоанинг маънавий маданият асарларини бошқасига ўтказиш жараёнларини ўрганиш, асл нусха ва таржиманинг ёзма ва оғзаки матнларини турли параметрлар бўйича қиёсий таҳлил қилиш билан шуғулланади. Бу яна бир бор таржимашуносликнинг ўрганиш объекти инсон маънавий маданиятининг жамиятда ифодаловчиси сифатида тил ва матн бўлган гуманитар фанлар бирлашмаси таркибига кирадиган филологик фан эканлигини тасдиқлайди.

Европа ва Ўзбекистонда таржима назариясига бағишланган илк асарлар XX асрнинг 20-30 йилларида чоп этилди. М.Горький ташаббуси билан ташкил қилинган “Жаҳон адабиёти” (1919) нашриётида бадий асарлар таржималари ва бу таржималарнинг сифатини белгиловчи мақолалар эълон қилинди. 1931 йил М.П. Алексеев илк бора сўзма-сўз таржимадан воз кечиш вақти келганини айтади<sup>13</sup>. Таржима танқидчилигининг бошида турган К.И. Чуковский эса таржима муаммоларига оид илмий асарларга муҳтожлик сезилаётганлигини таъкидлайди<sup>14</sup>.

XX аср собиқ иттифоқ таржима амалиёти ва назариясининг шаклланишида “Academia” нашриёти ва К.Чуковскийнинг ёш-филолог олимларда таржима таҳлили ва назариясига қизиқиш уйғотган “Таржима санъати” асари муҳим аҳамият касб этади. “Academia” нашриёти жаҳон адабиёти классиклари асарларининг рус тилидаги таржималарини собиқ иттифоқда яшаган халқлар адабиётига кириб келишида асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ўзбек адиблари А.Қодирий, Чўлпон, У.Носир, Ғ.Ғулом, Ойбек кабилар ўнлаб жаҳон адабиёти классиклари асарларининг рус тилидаги янги таржималарини ўгириб европа-ўзбек таржимачилик амалиётини бошлаб бердилар. Ўзбекистонда А.Аюб, Чўлпон, С.Сиддик, О.Хошим, С.Хусайн, Ойбек каби истеъдодлар таржима танқиди ва таржима назариясига оид илк илмий асарлар ёза бошладилар.

Ўзбек халқини жаҳон адабиётининг йирик асарлари намуналари билан танитишда Чўлпон, А.Қодирий, М.Ройик, С.Сиддик, Элбек, А.Аюб, У.Носир, Ойбек, Ҳ.Олимжон ва Ғ.Ғулом каби ижодкорлар катта куч сарфладилар. Таржима асарларининг савиясини белгиловчи дастлабки мақолалар ва рисоалар майдонга келди. Масалан, С.Хусайннинг ўтган аср 20-30 йилларида Гоголнинг “Уйланиш” ва Шекспирнинг “Ҳамлет” фожеаси таржимаси хусусида билдирган назарий фикрлари ўша давр учун долзарб эди. Унинг фикрича, бадий асарни таржимага оладиган ёзувчи, унга худди оригинал асар ёзаётгандек севиб киришиши керак. Бадий таржима билим ва санъаткорлик талаб этади.

Чўлпон таржималари биринчи бўлиб 1934 йилда ўзбек китобхонини Шекспирнинг ижодий мероси, насрий йўл билан ўгирилган “Ҳамлет” таржимаси орқали таништиради. Мазкур таржима П.Каншиннинг рус тилидаги насрий таржимасидан ўзбекчалаштирилган эди. Шу каби, Шекспирнинг “Икки вероналик” комедияси ҳам театр учун проза йўли билан ўгирилди. 1940 йил шоир Ғ.Ғулом Шекспирнинг “Отелло” фожеасини шеърий йўл билан ўзбек тилига ўгирди ва асар “Ҳамза” театрида 1940-1958 йиллар давомида 500 марта намоён этилди. Санъат даражасига кўтарилиб бораётган таржимани тизимлаштириш ва таржима асарларини таҳлил қилиш учун назарияга муҳтожлик сезила бошлади.

Бу йилларда чоп этилган С.Е. Паластровнинг “Бадий асарлар таржимасининг сифати учун” ва шарқшунос олим М.Сальенинг рус тилида

<sup>13</sup> Алексеев М.П. Проблема художественного перевода //Сборник трудов Иркутского Гос. Университета, Том XVIII. Вып. 1. - Иркутск, 1931. – С. 149-150.

<sup>14</sup> Чуковский К.И. Искусство перевода. М.- Л.: “Academia”, 1931. – С. 6.

эълон қилинган мақолалари таржима назарияси бўйича яратилган биринчи жиддий илмий ишлар ҳисобланади. Таржимашунос олим Санжар Сиддиқ рус тилидан ўзбек тилига мувафаққиятли қилинган таржималарни таҳлил қилиб таржима амалиёти учун зарур бўлган муаммоларни ечишда иш олиб боради<sup>15</sup>. Олим ўзбек таржима назариясининг илк ривожланиш даврида, биринчи бўлиб, таржима назариясининг лингвистик тамойиллари хусусида фикр юритди. Шу ўринда унинг рус ва қардош тиллардан таржима жараёнида фразеологик иборалар, мақол, матал ва идиомалар таржима қилишдаги билдирган фикрлари ўша давр таржимачилиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, Н.Алимуҳаммедовнинг<sup>16</sup> А.Қаххор, М.Ислоний ва А.Мухторнинг таржимонлик маҳорати хусусида эълон қилган мақола ва тақризлари таржима назариясининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Олимнинг “Таржима санъати тўғрисида баъзи мулоҳазалар” номли мақоласи “Ўзбекистонда бадий таржима ишини чинакам санъат даражасига кўтариш масалаларига доир кўпгина қимматли, амалий кузатишларга сероб бўлган ишлардан бири ҳисобланади”<sup>17</sup>.

Хуллас, таржима ва таржима назарияси тушунчаларининг замон ва макон кўзгусида фарқланиши уларнинг мазмуни, таркиби ва йўналишларига боғлиқдир. Таржима тушунчаси Европада минг йилликлар билан, таржима назариясига оид қарашларнинг пайдо бўлиши эса 5-6 аср доирасида ўлчанса, Россия ва Ўзбекистонда бу жараён декадалар билан тавсифланади.

Таржимашуносликка бағишланган дастлабки тадқиқотлар XX асрнинг 20-30 йилларида яратилади. Таржима сифатини белгилаб берувчи ишларда таржима назариясининг аспектлари хусусида илк қарашлар воқеланганлиги кузатилсада, таржимашунослик илми доирасини ва таржимани мустақил фан сифатида белгилаб берувчи тезислар учрамайди. Ўзбекистонда таржимашунослик илми тараққиётида дунё халқлари адабиёти намуналарининг билвосита ўзбек тилига таржима қилиниши, таржимада танқид ва таржима назариясига оид илк илмий ишларнинг яратилиши ва “Academia” нашриётининг ўрни аҳамиятлидир.

XX асрнинг 50 йилларига қадар рус ва ўзбек муаллифлари нашр қилган илмий ишларнинг таҳлил объектини Европа халқлари бадий асарларининг рус ва ўзбек тилларига ва рус бадий адабиёти намуналарининг ўзбек тилига қилинган таржималари ташкил этиб, предмети сифатида танланган адабий таржима усули таржимашуносликнинг адабиётшунослик йўналишида тараққий этишига сабаб бўлади.

Диссертациянинг “**Европа ва ўзбек таржима назариясининг фан сифатида шаклланиши**” номли иккинчи боби XX асрнинг 50-60 йиллари Европа ва ўзбек таржима назариясининг тараққиёти, реалистик таржима назарияси ва Ўзбекистонда таржима назариясининг фан сифатида шаклланишига оид илмий тадқиқотлар таҳлиliga бағишланади.

<sup>15</sup> С. Сиддиқ. Адабий таржима санъати. - Тошкент: Ўздавнашр, 1936, Б.70-71

<sup>16</sup> Алимуҳамедов Н. Таржима санъати тўғрисида баъзи мулоҳазалар. // Шарқ юлдузи, 1947, 1-сон

<sup>17</sup> Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. Б. 86.

XX асрнинг 50 йилларида таржимашунослик мустақил фанга айланиши мумкинми ва агар мумкин бўлса, у қандай бўлиши керак, деган савол атрофида баҳс-мунозаралар билан кечади. А.А. Реформатский “Таржима амалиёти барча фанлар учун хизмат қилса-да, таржима назарияси мустақил фан бўла олмайди. У тилшуносликнинг бир бўлимигина бўлиши мумкин”<sup>18</sup> дея таъкидлайди. А.В. Федоров “Қурилиши жиҳатдан тилшуносликка вобаста бўлган таржима назарияси фан сифатида эътироф қилиниши зарур”<sup>19</sup> мазмунидаги фикрни илгари суради. И.А. Кашкин эса “...таржима назарияси умумфилологик фан, таржима амалиёти тил ва адабиёт қонуниятларига баробар тааллуқлидир”<sup>20</sup> деган тезисни илгари сурди. “Таржима маҳорати”<sup>21</sup>да таржиманинг адабий жараёнлиги, таржима назариясининг эса адабиётшуносликка асосланувчи фан эканлигини эътироф этувчи мақолалар, “Таржимон дафтарлари”<sup>22</sup>да эса таржима назариясининг лисоний таҳлилга асосланувчи фан ва таржима амалиётининг матнга боғлиқ тилшуносликка оид жараён эканлигини эътироф этувчи мақолалар чоп қилинди.

Ғарбда 1960 йиллар таржима назариясини мустақил фан сифатида яратиш фикри илгари сурилади. Ю.Найда ўз концепциясини “динамик эквивалент” тушунчаси негизида ишлаб чиқиб таржима назариясини яратиш вазифасига амалда қўл уради. Таржиманинг илмий-назарий моделини яратган Ж.П.Винье ва Ж.Дарбельнелар таржимага қиёсий лингвистика нигоҳи билан қарашни таклиф этишди.

Ўзбекистонда 1950 йиллар бошида аслият ва таржима муносабатларини рус-ўзбек таржимачилиги мисолида таҳлил қилувчи мақолалар чоп этилди. Масалан, Н.Владимирова таржимада оригинал образни қайта тиклаш, асл нусханинг миллий хусусиятини сақлаш ва услуб ўзига хослигини сақлаб қолиш ҳақида фикр юритади<sup>23</sup>. А.Мухторнинг “Бадиий таржима маҳоратини эгаллайлик” ҳамда “Ещё раз о мастерстве перевода”<sup>24</sup> номли мақолалари 50-йилларда қилинган таржималар сифатини таҳлил қилади. Бу давр мунозараларида бадиий таржима жараёни қандай қонуният асосида кечади - фан қонунлари асосидами ёки санъат қонунлари асосидами, деган мазмунда масала қўйилди. Агар фан бўлса, демак, ҳар бир ҳолатда битта аниқ ва мақбул ечим бўлмоғи лозим. Агар санъат бўлса, ягона ечим йўқ, у таржимоннинг ижоди, тилни ҳис этиши ва замону маконда ўзгариб турувчи ўқувчи идрокига боғлиқ бўлади.

1960 йиллар ўзбек таржимашунослиги тараққиёти Ғайбулла Саломов фаолияти билан узвий боғлиқдир. Олимнинг “Мақол ва идиомалар таржимаси” (1961) номли рисоласи рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш

<sup>18</sup> Реформатский А.А. Лингвистические вопросы перевода. // Иностранные языки в школе, 1952, №6

<sup>19</sup> Федоров А.В. Введение в теорию перевода. – М., 1953, С.15

<sup>20</sup> Кашкин И.А. В борьбе за реалистический перевод. // Всб.: “Вопросы художественного перевода”, - М.: 1955. С. 126-127

<sup>21</sup> Мастерство перевода. Сборник статей. – М.; Советский писатель. 1959

<sup>22</sup> Тетради переводчика. Учение записка. №1. – М.: “Международные отношения”, 1963

<sup>23</sup> Владимирова Н.В. Некоторые вопросы художественного перевода с русского на узбекский язык. АКД. - Ташкент, 1957. – 124 с.

<sup>24</sup> “Шарқ юлдузи” журнали, 1952; “Звезда востока”, 1954, № 2.

назариясининг лексик-стилистик муаммоларига бағишланган илк тадқиқот эди. Олим ташаббуси билан “Таржима санъати” (1961) мақолалар тўплами чоп этилади. Ғ.Саломов “Таржимон халқнинг тили, тарихи, этнографияси, маданиятидан яхши хабардор бўлишдан ташқари, сўз танлашда ўзига хос дидга эга бўлиши зарур”<sup>25</sup>лигини таъкидлайди. Ўзбекистонда таржима назариясининг фан сифатида шаклланишида юқоридаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Бу даврда Европада қиёсий тилшунослик, тилларнинг ўзаро фарқи ва бу фарқларни енгиб ўтиш муаммосига эътибор кучаяди. XX аср 50 ва 60-йилларининг дастлабки ярмида тилшунослик ва муҳандислик тафаккурининг янги йўналиши - машина таржимаси жадал ривожланиб таржиманинг лингвистик назариясига таъсир кўрсатди. Р.Якобсон томонидан “таржима” тушунчасини семиотикага асосий категория қилиб киритилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. И.Ревзин ва В.Розейнцвейг<sup>26</sup> тиллараро мулоқот жараёнида “таржима”га “лисоний мутаносиблик ҳақидаги фаннинг” алоҳида ҳодисаси, “талқин”га эса ижодий вазифа сифатида қарашди. Лингвистик маънодаги таржимани бадий таржимадан фарқлаш имкони юзага келиб таржиманинг лингвистик назарияси предмети ва усули аниқланади<sup>27</sup>.

Р.Юмпельт фикрича, илмий-техникавий адабиёт таржимони объектив табиатга эга бирламчи ахборотнинг “мазмуний инвариант”ини қидириб топади<sup>28</sup>. Олим ишлаб чиққан матний жанрлар таснифи бадий таржимани алоҳида жанр сифатида кўрсатади. Сўз санъати асаридан “нусха кўчириш”нинг асло иложи йўқлиги сабаб, ўқувчига эстетик таъсир кучини сақлаб қолмоғи учун, аслиятни бир тилдан бошқасига сўзни сўз ёрдамида эмас, образни образ ёрдамида ўгириш тақозо этилади.

1960-йилларнинг ўрталарида “Лейпциг мактаби” вакиллари “таржима бу лингвистик йўналиш” деган тушунчага таяниб, “транслацион жараёнларни лисоний жараёнлар сифатида ўрганувчи ва шу жараёнлар асосида ётувчи лисоний механизмларни тадқиқ этувчи” “транслацион лингвистика” тушунчасини ишлаб чиқдилар<sup>29</sup>. Нобадий таржимага юксак мақом беришни мақсад қилган Отто Каденинг “транслацион лингвистика” ғояси олимлар томонидан қўллаб-қувватланди. О.Каде фикрича, мутлақо илмий, лингвистик руҳдаги таржима назарияси шакли мазмунга бўйсундирилган “прагматик матн” учун яроқлидир. “Адабий матн”да эса шакл мазмун билан ўзаро диалектик муносабатда бўлади. Шу сабабга кўра, ягона таржима назарияси бўлиши мумкин эмас. Бу даврда матн ўзига хослигини инобатга олган ҳолда таржиманинг вазифаси ва ўзига хосликларини фарқлаш усули шаклланди. Таржимага “матний ёндашув” усулини илк бора татбиқ этган К.Райс “матн типи” тушунчасига асосланувчи тизимда матнни тўрт типга: прагматик, бадий, аудиторияга таъсир этидиган ва аудиомедиал матнларга ажратади<sup>30</sup>.

<sup>25</sup> Таржима санъати. Мақолалар тўплами. – Тошкент, 1961. - 17 бет.

<sup>26</sup> И. И. Ревзин, В. Ю. Розенцвейг. Основы общего и машинного перевода. – М., 1964. С. 59

<sup>27</sup> Ўша манба: С. 29

<sup>28</sup> Jümpelt R.W.: Die Übersetzung naturwissenschaftlicher und technischer Literatur. Berlin-Schöneberg, 1961

<sup>29</sup> Jäger G. Translation und Translationslinguistik. Halle/Saale, 1975, S.77

<sup>30</sup> Reiss K. Möglichkeiten und Grenzen Der Übersetzungskritik, München, 1971, S. 28

1960 йилларнинг иккинчи ярмида таржиманинг ягона назарий концепциясини ишлаб чиқиш тенденцияси давом этди. Таржимада эътибор тиллараро муносабатлардан матнлараро муносабатларга кўчиб ўтиб, таржима назарияси “текст” ва “контекст”га қизиқиш кучайган вазиятда ривожланди.

И.Кашкин таржимага санъат, таржима асарига эса миллий адабиёт ҳодисаси сифатида қараб “бадий асар таржимаси сўзлар ортидаги мавжуд барча ифода воситаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоғи лозим”<sup>31</sup> дея таржимада филологик ёндашувни ҳимоя қилади. И.Кашкин қайдларида “реалистик метод” “аслиятга содиқлик ва ижодий ёндашув”нинг синоними бўлиб келади. Реалистик таржима концепциясидаги “ҳаққонийлик” маъносидан келиб чиқилса “реалистик таржима” меъёрий қиммат касб этади ва бундай таржима ҳар қандай таржимадан аъло саналади. Шу маънода, “реалистик таржима” - “яхши таржима”, ёхуд “адекват таржима”, ёинки А.Фёдоров таклиф этган “тўлақонли таржима” билан синонимдир. И.Кашкин, реалистик таржимада таржимон асл матнни эмас, ушбу матнда акс этган воқеликни таржима қилиши керак деган назария тарафдори эди. Реалистик таржимани назарий тизимга солишга интилан Г.Гачечиладзе фикрига кўра бадий таржима: сўзма-сўз аниқ, аммо эстетик тўлақонли бўлмаган таржима ва бадий тўлақонли, бироқ оригиналдан узоқ, эркин таржима ўртасида тебраниб туради<sup>32</sup>.

1931 йил А.В.Фёдоров ва К.Чуковскийнинг ҳаммуаллифликда ёзган “Таржима санъати” китоби босилиб чиқсада, муаллифларнинг кейинги асарлари бир-биридан фарқ қилади. К.Чуковский бадий таржимага боши билан шўнғиб кетади, А.Фёдоров назарий концепциялар яратишга интилади. Унинг “О художественном переводе” (1941) номли асарида таржимага “лисоний амалиёт” сифатида ёндашилади ва ўз концепциясини “классик” тилшунослик доирасида, машина таржимаси ва семиотика ғояларини четлаб ўтган ҳолда ишлаб чиқади, таржиманинг умумий назариясига барча турдаги ўгирмалар учун хос бўлган тил ҳодисаларини ўрганувчи ва мазкур таржима турларининг спецификасини тавсифлаб берувчи илмий йўналиш, дея таъриф берди<sup>33</sup>. Бу давр баҳс-мунозаралари бадий таржима муаммоларини тушунтириб бериш учун биргина лингвистик усуллар кифоями ёки бу усуллар тобора “ўртамиёналашиб”, таржима санъати имкониятларини торайтириб қўядими, деган савол атрофида кечади. А.Фёдоров қарашларида таржиманинг лингвистик муаммоларини адабиётшунослик муаммоларидан ажратиши оқибатида зиддиятлар сақланиб қолади. Олимнинг бош асарида бадий таржима муаммолари четлаб ўтилиши унинг энг заиф нуқтаси бўлиб қолади.

1960 йилларда ўзбек олимлари таржима тарихи ва унинг лексик-фразеологик муаммоларига оид тадқиқотлар яратишди. Масалан, Ю.Пўлатов XIX аср охиридан то XX асрнинг 50-йилларига қадар ғарб адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган асарлар хронологик тарихини ёритиб беради, француз

<sup>31</sup> Кашкин И.А. Для читателя современника. Статьи и исследования (изд. 2). - М., 1977, С.371

<sup>32</sup> Гачечиладзе Г.Р. Художественный перевод и литературные взаимосвязи. - М., 1980. - С.253-254

<sup>33</sup> Фёдоров А.В. Основы общей теории перевода (лингвистические проблемы). Изд.3-е. - М.,1968, С.11.



адиби Ги де Мопассан новеллаларининг рус тили орқали қилинган таржималарини таҳлил қилиб, билвосита таржималарнинг ютуқ ва камчиликларини асослаб беради<sup>34</sup>. Ж.Шарипов эса октябр тўнтарилишига қадар Шарқ ва Ғарб адабиётидан қилинган таржималарни тарихий-хронологик аспектда ўрганиб таҳлил қилади ва “Ўзбекистонда таржима тарихидан” номли монография асосида ўзининг докторлик диссертациясини ҳимоя қилади<sup>35</sup>.

1960 йиллар ўрталарида лингвистик таржима назариясига оид тадқиқотлар яратилади. Профессор Ғ.Саломовнинг “Тил ва таржима (бадий таржиманинг умумфилологик ва лингвистик масалалари)”<sup>36</sup> монографияси, Л.Абдуллаеванинг “Рус тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг стилистик масалалари”<sup>37</sup>, Қ.Мусаевнинг “Инглиз тилидан ўзбек тилига таржиманинг стилистик масалалари”<sup>38</sup>, А.Нарзиқуловнинг “Француз фразеологияси ва француз-ўзбек бадий таржима масалалари”<sup>39</sup> мавзусидаги номзодлик диссертациялари ёқланди. Уларда тадқиқот объекти рус-ўзбек, инглиз-ўзбек, француз-ўзбек тилларига ўгирилган асарлар бўлса, предмети стилистик, лексик ва фразеологик бирликлар таржимасининг қиёсий-типологик таҳлилидан иборатдир.

Ўзбекистонда Ғ.Саломов таржима назариясининг тилшунослик асосларини ишлаб чиқади ва таржима назариясининг мустақил фан сифатида тараққиётига ҳисса қўшади. Олим асосан ўзбек тилига рус адабиётидан ўгирилган асарлар таржималарини таҳлил қилиш орқали ўзбек таржимонларининг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб беради. Олим биринчи бўлиб рус тилидан ўзбек тилига таржима қилиш назариясини яратади.

Қ.Мусаев эса биринчи бўлиб инглиз тилидаги фразеологик ибораларнинг ўзбек тилига таржима қилинишини ишлаб чиқди<sup>40</sup>. Қ.Мусаев ва А.Нарзиқулов инглиз ва француз адабиётидан ўзбек тилига ўгирилган таржималарни аслият ва русча матнлар билан солиштириб билвосита ва бевосита таржималарнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб таржимонларни аслиятдан таржима қилишга даъват этдилар.

Таржима назарияси мустақил фан сифатида фаолият юрита оладими мазмунидаги саволга таржима назарияси ва амалиёти тилшунослик илмининг бир бўлими сифатида бошқа фанлар хизматидан фойдаланиб фаолият юритиши мумкинлиги, лекин мустақил фан бўла олмаслиги (А.Реформатский), таржима назарияси умумфилологик фан эканлиги

<sup>34</sup> Пулатов Ю. Зарубежная литература в Узбекистане и переводы новелл Мопассана. АКД, - Самарканд, 1963. -22 с.

<sup>35</sup> Шарипов Дж. Из истории перевода в Узбекистане. (Дореволюционный период). АДД, - Тошкент, 1968. – 171 с.

<sup>36</sup> Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Тошкент: Фан, 1966. -385 б.

<sup>37</sup> Абдуллаева Л. Стилистические вопросы перевода с русского на узбекский язык. АКД. – Тошкент. 1964. – 24 с.

<sup>38</sup> Мусаев К. Стилистические вопросы перевода с английского на узбекский язык (традиционные числительные и фразеологизмы). АКД, - Ташкент, 1967. – 24 с.

<sup>39</sup> Нарзикулов А. Французская фразеология и вопросы французско-узбекского художественного перевода. – Л., 1969. - 22 с.

<sup>40</sup> Мусаев К. Стилистические вопросы перевода с английского на узбекский язык (традиционные числительные и фразеологизмы). АКД. - Ташкент, 1967.

(М.Морозов) мазмунидаги қарашлар шаклланди. Тилшунослар ва адабиётшунослар ўртасида узоқ давом этган тортишув ва мунозараларда Т.Савори, Ж.Мунен, Э.Кари, Ж.Кетфорд, Ж.П. Винье, Ж.Дарбельнелар ўз фикрлари билан қатнашдилар. Уларнинг аксарияти таржима назариясини тил аспектида ўрганиш лозим деган яқдил фикрга келдилар. Мунозараларда Ж.Шарипов, Н.Владимирова, А.Мухтор адабиётшунослар тарафида, Ғ.Саломов эса тилшунослар тарафида бўлдилар.

Демак, XX асрнинг ўрталарида таржима назариясининг мустақил фан бўла олиш мақомига оид адабиётшунос ва тилшунослар ўртасида бўлиб ўтган тортишувлар таржима назарияси шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Илк назарий тадқиқотларда таржимада асарнинг мазмуни, эстетик ғоясини тиклаш, асарни жанр хусусиятларига кўра таржима қилишда аҳамиятли ҳисобланган омилларга эътибор, ва эквивалент, аналог, адекват таржима яратишга оид назарий фикрлар шаклланди. Ижтимоий-сиёсий ва адабий матнларни таржима қилиш усуллариининг фарқланиши хусусидаги таъкидлар умумий тарзда баён этилади. Таржимашунослик илми тараққиётида бадий таржима муаммолари билан бир вақтда таржиманинг тилшуносликка оид муаммолар ҳам кенг талқин қилинади.

Европа давлатларида таржимашуносликни мустақил фан сифатида шакллантириш, таржима жараёнини ўрганишда назарий ёндашувлар ва таржимани тилшунослик муаммолари доирасида тадқиқ қилиш фикри илгари сурилади. XX асрнинг 60-йилларида таржиманинг ягона концепцияни ишлаб чиқиш тенденцияси жадаллашди. Рус таржимашунослигида реалистик таржима, яъни, аслиятга содиқлик ва таржимада “аниқлик”ка эришиш жараёнига таржима санъатининг олий намунаси даражаси сифатида қаралади.

**Диссертациянинг “1970-1980 йиллар Европа ва ўзбек таржима назарияси тамойиллари”** номли учинчи боби XX асрнинг 70-80 йилларида Европа ва ўзбек таржима назарияси тараққиёти, таржима назариясининг лингвистик тамойиллари, 1990 йиллар Европа ва ўзбек таржимашунослигига бағишланган.

XX асрнинг 70-йиллари Европада бадий таржима илмига оид кўплаб қарашлар шаклланади. Масалан, И.Левый таржима муаммоларини бадий таржима аспектида кўриб чиқади<sup>41</sup>. Аслият билан таржиманинг маданий анъана, тарихий давр, миллий адабиёт ва жаҳон сўз санъати доирасидаги функциялариаро мураккаб алоқаларини кўрсатиб бериши олим концепциясига мукамаллик бахш этади. Санъатнинг қатъий йўл-йўриқлар ва аввалдан белгиланган қоидаларга “бўйсунмаслиги”ни таъкидламоқчи бўлган Р.Клөпфер эса бадий таржимани ўзида индивидуаллик муҳрини ташийдиган ва ўз қонуниятлари асосида яшовчи “мустақил” ҳодиса деб ҳисоблайди<sup>42</sup>. А.Попович таржиманинг семиотик руҳдаги коммуникатив моделини яратишга интилади<sup>43</sup>.

<sup>41</sup> Левый И. Искусство перевода. – М., 1974, С. 39.

<sup>42</sup> Kloepfer R. Die Theoriederliterarischen Übersetzung. - München, 1967.

<sup>43</sup> Popović A. Teória umeleckého prekladu. - Bratislava, 1975.

1970-йилларда ўзбек олимлари ўзбек таржимачилиги тарихи, таржима назариясининг лексик-стилистик масалалари ва таржимада миллий колоритни сақлаш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришди. Д.Ғуломованинг “Гамлет на узбекском языке”<sup>44</sup> ва К.Жураев ва Ғ.Саломовларнинг “Навоий музаси ва Л.Пеньковскийнинг таржимонлик маҳорати”<sup>45</sup> мақолалари буларга мисолдир. Шарқ тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш принципларининг назарий асосларини яратишга ҳаракат қилган Н.Комилов Огаҳийнинг араб ва форс-тожик тилларидан қилган таржималарини йиғиб, таҳлил қилиб берди<sup>46</sup>. Д.Ғуломова Шекспир драмалари таржималарини хронологик тарзда таҳлил қилиб “Ҳамлет”нинг Чўлпон томонидан ўтирилган илк прозаик таржимасини П.А.Каншин ва М.Морозов тарафидан инглиз тилидан рус тилига қилинган проза таржимаси билан қиёсий ўрганади<sup>47</sup>. Р.Файзуллаева немис адабиётидан ўзбек тилига ва ўзбек адабиётидан немис тилига ўтирилган асарлар мисолида миллий колоритнинг берилишини ўрганиб, ўзбек таржимачилигида, биринчи бўлиб реалия-сўзларнинг таржимада берилиш принципларини ишлаб чиқди. Унинг таъкидлашича, реалия-сўзларни таржимада беришнинг транслитерация ва сўзма-сўз таржима усуллари мавжуддир<sup>48</sup>. С.Очилов Х.Хейне (“Германия. Қиш эртаги”, “Лорелей”) поэзияси таржималарини таҳлил қилиб, лирик шеърларининг аслият ва таржималарини қиёслаб ўрганади, немисчадан ўзбекчага билвосита ва бевосита таржима принципларини таҳлил қилиб беради<sup>49</sup>.

Я.Эгамова немис адабиётидан ўзбек тилига проза таржимасида қаҳрамонлар образини қайта яратиш масалалари устида ишлади ва Ўзбекистонда биринчи бўлиб Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” (1975) романини ва Бруно Апицнинг “Қашқирлар чанғалида” (1986) романини бевосита немис тилидан ўзбек тилига ўтиради<sup>50</sup>. У таржима амалиёти ва назариясини вобаста олиб борган, билвосита ва бевосита ўтирилган таржималарда қаҳрамонлар образи ва портретининг берилишини синчковлик билан ўрганган. Я.Эгамова Ўзбекистонда таржима амалиёти ва назариясининг ривожига муносиб ҳисса қўшади. Ўтган асрнинг 70-йилларида немис-ўзбек таржима назариясининг шаклланиши ва кейинги ривожда юқоридаги тадқиқотлар муҳим ўрин эгаллади.

Бу йилларда инглиз адабиётидан ўзбек тилига таржима муаммоларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар яратилди. Масалан, М.Сулаймонова ўз

<sup>44</sup> Гулямова Д. “Гамлет” на узбекском языке//Мастерство перевода. – М. 1974. С. 321-331

<sup>45</sup> Джураев К., Саломов Г. О музе Наваи и переводическом мастерстве. Л. Пеньковского//Мастерство перевода. Сб. Двенадцатый. 1979. – М. “Советский писатель”, 1981. – С. 270-284.

<sup>46</sup> Камбаров Н. Художественное мастерство поэта-переводчика Мухаммадризо Огахи. АКД. -Ташкент, 1970. – 26 с.

<sup>47</sup> Гулямова Д. Драматургия Шекспира на узбекском языке. АКД. - Ташкент, 1971. -18 с.

<sup>48</sup>Файзуллаева Р. Национальный колорит и художественный перевод. Монография. – Ташкент. Фан, 1979. - 112 с.

<sup>49</sup> Очилов С. Некоторые вопросы переводов произведений немецкой поэзии на узбекский язык (на материале поэзии Г. Гейне) АКД, -Ташкент, 1974. - 22 с.

<sup>50</sup> Эгамова Я. К вопросу воссоздания образов героев оригиналов в художественном переводе. АКД, - Ташкент, 1974. 22 с.

тадқиқотида англиз тилидан ўзбек тилига стилистик воситаларнинг берилиш принципларини қиёсий-типологик аспектда ўрганган<sup>51</sup>, бадий матндаги стилистик воситаларнинг ўзбек тилига таржима қилиш принципларини ишлаб чиқади. Ҳ.Олимжон, М.Шайхзода, Шукрулло, Ж.Жабборов ва Муҳаммад Али каби шоирлар Байрон шеърларини ўзбек тилига ўғирдилар. Байроннинг шеърий асарларидан “Чайлд Гарольд зиёрати” достони Муҳаммад Али томонидан, “Манфред” шеърий драмаси эса Р.Парфи тарафидан таржима қилинган. 1974 йил “Адабиёт ва санъат” нашриёти бу таржималарни тўплаб “Байрон. Сайланма: Шеърлар. Достон. Драматик достон” сарлавҳаси билан нашр этди<sup>52</sup>. И.Мирзаев француз тилидан ўзбек тилига реалия сўзларни таржима қилишнинг: адекват, муқобил (эквивалент), сўзма-сўз (калька) таржималари ва изоҳлаб таржима қилиш принципларини амалга тадқиқ қилди<sup>53</sup>. Бу принциплар хорижий тиллардан ўзбек тилига мақол, матал, идиома, фразеологизм ва реалия сўзларни таржима қилишда тўғри йўл сифатида эътироф қилиниб келинмоқда.

Ўтган асрнинг 70-йиллари европа ва ўзбек таржимашунослигида тилшунослик назарияси олдинга чиқади. Ўзбек таржимашунослигида таржима тарихи, таржиманинг лексик-фразеологик муаммолари, шунингдек, таржимада миллий колоритни сақлаш масалалари устида монографик тадқиқотлар яратилди.

1980 йиллар Европа таржимашунослигида “эквивалент таржима” мавзусида баҳс-мунозаралар етакчи ўринга чиқади. “Эквивалентлик” тушунчаси таржимашуносликка қандай кириб қолгани ҳақида ҳар хил фикрлар мавжуд. Шунинг қатъий айтиш мумкинки, таржимашуносликда илк бор “эквивалентлик” атамаси машина таржимасига нисбатан қўлланилган. Бадий таржимада эса уни илк бор Р.Якобсон ўзининг “Таржиманинг лингвистик қирралари”<sup>54</sup> мақоласида татбиқ этган. Ю.Найда эса функционал мувофиқлигини англатувчи “динамик эквивалент” тушунчасини таклиф этди. Кейинчалик, “эквивалентлилик” бир неча “тур”, “сатҳ”, “босқич” ва ҳоказоларга бўлиниб турли ёндашувларнинг бундай ҳуружи сабаб мазкур атама зарур бўлмай қолади. Эквивалентлик таржимонга боғлиқ субъектив тушунчага айланади. Масалан, Г.Гадамер фикрига кўра “таржимада энг катта қийинчилик бир тилда ифодаланган орзу-истакни бошқа тилда худди шу гап бўлаклари орқали етказиб бўлмаслигидир”<sup>55</sup>. М.Снелл-Хорнби эса таржимага “маданий трансфер” контекстида қарайди. Таржимани тушунишнинг асосий қирраси - унинг янги маданий муҳитда ўз вазифасини қандай адо этаётгани

<sup>51</sup>Сулаймонов М. Опыт научного обобщения проблем художественного перевода в аспекте сопоставительной стилистики. АҚД, - Ташкент, 1974. 22 с.

<sup>52</sup> Байрон. Сайланма. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1974. - 152

<sup>53</sup> Мирзаев И.К. Проблема передачи слов, обозначающие реалии французской жизни, на узбекский язык. АҚД, -Ташкент, 1974. 22 с.

<sup>54</sup>“Эквивалент” атамаси ҳақида қуйидаги олимлар ўз фикрларини билдиришган: Wilss W. Übersetzungswissenschaft: Probleme und Methoden: Stutgard, 1977. S. 156; Koller W. Einführung in die Übersetzungswissenschaft. 3. Aufl. Heidelberg, 1987. S 186.; Snell-Hornby M. Übersetzungswissenschaft - Eine Neuorientierung, Tübingen, 1986, S. 13

<sup>55</sup>Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. - М., 1991. С. 59.

ҳисобланади. М.Снелл-Хорнбига кўра таржимашунослик мустақил, фанлараро ва кўп истиқболли фан бўлмоғи лозим<sup>56</sup>.

Таржимани “маданий трансфер” доирасида англайдиган олимлар бадиий таржима билан бошқа таржима турлари муносабатини талқин қилишда яқдил эмас эдилар. Масалан, Ж.Холмс “яхши” таржима аслиятнинг “худди ўзидек” тасаввур қилиниши зарур, “таржима - фақат биргина адабиёт, яъни қабул қилувчи адабиёт ҳодисаси”, демак, таржимага доир ҳар бир тадқиқот ана шу ғояни асос қилиб олиши керак, деган қарашни ёқлаб чиқди<sup>57</sup>. “Target” журнали асосчилари эса таржима назариясини соҳалараро мустақил фан ўлароқ ишлаб чиқишни мақсад қилиб олган эди. Бу янги фаннинг мазмун-мундарижаси билан М.Снелл-Хорнби мажмуаси муаллифлари фикри ўртасида анча ўхшашликлар бор эди. Униси ҳам, буниси ҳам “матн” тушунчасини кенг ишлатиб, “соҳалараро фан”, “янги мўлжал”, “маданий трансфер” каби формулалардан фойдаланишган.

Ўтган асрнинг 80-йилларида дунёнинг турли мамлакатларида юзага келган таржима марказлари фаолияти бадиий таржима ва унинг назарияси обрўсини қайта тиклаш мақсади сари йўналтирилган эди. Соф лингвистик муаммолар ҳамда “синхрон” ёндашув тажрибасидан чекинилиш, айниқса, тарихийлик тамойилининг қарор топтирилиши “талқин” тушунчасига кенг йўл очиб берди. Бугунги кунда бадиий таржима муаммолари қиёсий адабиётшунослик доирасига олиб кирилаяпти. Бу эса таржима асарларига ўзга тил муҳитида янгидан пайдо бўлган бадиий қадрият сифатида қараш имконини бермоқда. Айни чоғда, “матн” деган “сийқа” тушунча доирасини ёриб чиқиб, анча кўламдор бўлган бадиий образ категориясига ўтиш учун шароит ҳозирлайди.

1980-йиллар охирида таржима назариясининг лингвистик тамойиллари янада ривожланди. Таржиманинг “реалистик назарияси” ўрнига Д.Дюришиннинг “таржима, халқаро адабий жараёнлар тараққиётида муҳим аҳамият касб этувчи, адабиётлараро коммуникатив воситадир”<sup>58</sup> мазмунидаги концепцияси майдонга келади.

1982 йил Ғайбулла Саломов “Адабий анъаналар ва бадиий таржима муаммолари”<sup>59</sup> мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ғ.Саломов диссертациясини ҳимоя қилгунига қадар ўзбек таржима илми ривож ва такомиллашувига улкан ҳисса қўшган “Тил ва таржима” (1966), “Таржима назариясига кириш” (1978), “Адабий анъана ва бадиий таржима” (1980), “Дўстлик кўприклари” (Н.Комилов билан ҳамкорликда) (1979) каби қатор монография ва дарсликлар, “Таржима назарияси”, “Таржима тарихи” ва “Таржима танқиди” (1973) йўналишларида ўқув дастурлар яратди. Профессор Ғ.Саломовнинг сўнгги “Таржима назарияси ва амалиётдан маърузалар матни” номли китоби истиқлол йилларида дунёга келди.

<sup>56</sup>Snell-Hornby M. Übersetzungswissenschaft - Eine Neuorientierung, - Tübingen, 1986, S 12.

<sup>57</sup>Hermans Th. The Manipulation of Literature. - London, 1985, P.9.

<sup>58</sup>Đurišin D. a kol. Osobitne medziliterarne spolocenstva. Bratislava, 1987 (Проблемы особых международных общностей. Под ред. Д. Дюришина. - М. 1993)

<sup>59</sup> Саломов Г. Литературные традиции и проблемы художественного перевода (сопоставительный, стилистический и типологические аспекты). АДД. – М., 1982.

Муаллиф унда “Муаззам истиқлол даврининг таржималари шу улуғвор даврнинг мақсади, талаби ва вазифаларига мос ва муносиб бўлиши лозим” деб ёзган эди.

Қудрат Мусаев биринчи бўлиб инглиз ва рус адабиётидан ўтирилган таржималар мисолида таржима назариясининг стилистик муаммоларини бартараф этишнинг назарий принципларини ишлаб чиқди<sup>60</sup>. “Таржима назарияси асослари” номли монографиясида олим ўзбек тилига рус ва инглиз адабиётидан таржима муаммоларини кенг қамровли планда ўрганишни мақсад қилган. Ушбу китоб таржима назарияси ва танқидчилигида ҳали деярли қўл урилмаган ва ҳаётий зарур, таржимонлик жараёни ва фаолиятининг таҳлилий таркибини ташкил этувчи муаммоларни қамраб олган. Олим ишда билвосита ва бевосита таржима афзалликлари ва нуқсонларига тўхталар экан, “ягона ижобий усул сифатида, бевосита таржимани қаттиқ туриб ҳимоя қилган”<sup>61</sup>. Олимнинг ушбу асарини таржима назариясини филологик фан сифатида эътироф этувчи илк йирик тадқиқот тарзида баҳоласак арзийди.

Республикамизда хорижий тилларни мукаммал эгаллаган таржимонлар плеядаси етишиб келмоқда. Бевосита таржима амалиёти соҳасида Н.Қамбаров, Я.Эгамова, А.Шер, М.Акбаров, А.Файзулла, А.Қўчибоев, Д.Султонова, Б.Холбекова, Ш.Минавваров сингари моҳир таржимонлар етишиб чиқди. Бироқ билвосита таржима усталари Қ.Мирмуҳамедов, И.Ғафуров, А.Аъзам, М.Мирзо кабилар бажарган таржималар ўқимишлилиги билан таржимада пешқадамлик қилиб келмоқда. Бизнинг фикримизча ҳам таржима амалиётида билвосита ва бевосита услублари ўзаро рақобатда бир-бирини тўлдириб фаол қўлланилишда давом этади.

Таржимашунослик илмининг яна бир маркази Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти Таржима назарияси ва адабий алоқалар секторида шаклланган эди. Бу давр тадқиқотларида асосан хусусий таржимашунослик муаммолари ва масалалари тадқиқ этилди. Масалан, олим М.Холбеков ўзбек тилига француз прозасидан ўтирилган таржималар тарихини яратиш билан ўзбек-француз таржима масалаларини ёритиб беради.

Европада бу даврда таржима назариясининг соф тилшунослик асослари инкор этилиб, таржимани матн интерпретацияси билан алмаштириш таклиф этилади. Юджин Найда таржима назариясида лингвистик, филологик, коммуникатив ва социосемиотик ёндашувлар зарурлигини таъкидлайди<sup>62</sup>. А.Лилова таржима мезонининг белгиланишида асосий омиллар сифатида асл матнининг жанр ва шакл хусусиятларини кўрсатиб ўтиши<sup>63</sup> бугун ҳам аҳамиятлидир.

<sup>60</sup> Мусаев К. Лингвистические проблемы перевода. АДД. - Тбилиси, 1988. – 38 с.

<sup>61</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси ва асослари. – Тошкент. Фан нашриёти, 2005. Б. - 47

<sup>62</sup> Комиссаров В.Н. Международная федерация переводчиков. (ФИТ). Союз практики и теории перевода// Тетради переводчика, выпуск 18, - М., 1987, С. 141-142

<sup>63</sup> Лилова А. Увод в общата теория на перевода. – София: “Народная культура”, 1981; Лилова А. Введение в общую теорию перевода. – М.: Высшая школа, 1985, С. 238.

XX асрда таржимашунослик ва таржима назарияси тараққий этиб умумфилологик фан сифатида эътироф этилди. Узоқ йиллар давом этган мунозаралар таржима назариясининг лингвистик тамойилларини ривожланиши билан натижалансада, XXI бўсағасига келиб МДХ давлатларида таржима назарияси сезиларли даражада таназзул сари юз тутди ва амалиётдан ортда қолди.

Мустақиллик йилларида таржимашунослик тараққиётини белгилаб берувчи муҳим илмий тадқиқотлар яратилди. Масалан, М.Холбеков ўзбек-француз адабий алоқалари тарихини ўзбек тилидан француз тилига ва француз тилидан ўзбек тилига ўгирилган таржималар мисолида<sup>64</sup> тадқиқ қилиб таржималар тарихини шеърӣ асарлар, проза ва драматик асарлар мисолида хронологик тарзда таҳлил қилади. М.Бақоева ўзбек ва инглиз шеърӣятида қофия тузулиши ҳамда шеърӣ қолипларнинг мутаносиблиги ва номутаносиблиги муаммолари хусусида фикр юритар экан, шеърӣят таржимасида бу ҳолатларни енгиб ўтиш принципларини ишлаб чиқади<sup>65</sup>.

Илхомжон Тўхтасинов биринчи бўлиб олий ўқув юртларида таржимонлик факультети “ўқув дарсларида таржимоннинг лингвистик, социолингвистик, прагматик ва маданиятлараро мулоқот компетенцияларини шакллантириш орқали таржимоннинг касбий компетенциясини ривожлантириш заруриятини” тадқиқ қилиб берди<sup>66</sup>.

Таниқли олим Шаҳриёр Сафаровнинг таржима назарияси муаммоларига бағишланган “Таржимашуносликнинг когнитив асослари” (2019) номли монографияси таржимашунослик фанининг долзарб муаммоларини когнитология нуқтаи назаридан кенг таҳлил қилиб беради. Олимнинг монографияси ўзбек таржимашунослик илмида лингвистик назарияга бағишланган илк йирик тадқиқот ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, бу даврда таржима жараёнини ўрганишнинг турли услублари хилма-хилликка урғу бериш, таржимоннинг асл матнни бошқариш имкониятини биринчи ўринга олиб чиқиш ва таржимани асл матн ва таржима матн ўртасида кўприklar қуриш воситаси сифатида кўриш, таржимашунослик оламидаги ўзгаришларни акс эттирган ҳолда, унинг қиёсий адабиётшуносликнинг аҳамиятсиз йўналиши бўлмасдан, ҳақиқатан ҳам тўлақонли илмий фан сифатида кўплаб муҳим ва кенг қўлланиладиган натижаларга эга бўлган кўп қиррали тадқиқот соҳаси эканлиги тасдиқланди.

Таржима назариясининг тилшунослик назарияси йўналишида таржима амалиёти сарҳадини белгилаб бурувчи қоидалар ишлаб чиқилиб, бунда таржима матннинг прагматик, бадий ва оғзаки матн турларидан бирига мансублиги таржима сифатини белгилаб беради. Лингвистик таржима назарияси тараққиётида таржиманинг коммуникатив асослари, реалистик ва машина таржимасининг яратилиши ҳамда таржимада “интерпретация”нинг

<sup>64</sup> Холбеков М. Узбекско-французские литературные взаимосвязи (в аспекте перевода, критики и восприятия). ADD. – Ташкент, 1991. - 54 с.

<sup>65</sup> Бақоева М. Англия, АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърӣ таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари. ДДА, - Тошкент, 2004, 50 б.

<sup>66</sup> Тўхтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш. Докторлик диссертацияси автореферати. -Тошкент, 2018, 5 б.

шаклланиши таржима назарияси тамойилларини ривожлантирди ва таржима тушунчасининг мазмун ва кўлами янада кенгайди. Таржимонлар маҳоратини ошириш дастурларини яратиш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлашга оид билдирилган янги меъёрлар Европа ва Ўзбекистонда таржима, таржима назарияси ва таржимашунослик илмининг тараққиётини белгилаб берди.

## ХУЛОСА

Европа ва ўзбек таржима назариясининг тараққиёт принципларига оид материалларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. *Таржимашунослик* тушунчаси мазмун кўламининг шаклланиши ва тараққий этиш тамойилларини белгилаш масаласи, ўз навбатида, ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган *таржима* ва *таржима назарияси* тушунчаларининг семантик табиати ва таркибини камида замон ва макон ўлчамида аниқлашни назарда тутди. Ушбу тушунчалардан ҳар бири умумий бирликни ташкил этган ҳолда, замон ва макон кўзгусида ўзига хос мазмун, таркиб, йўналиш ва бошқа белгилари билан доимо фарқланиб туради. Замон ва макон ўлчамида *таржима* тушунчасининг воқеланиши Европа халқлари маданиятида бир неча минг йилликлар билан, *таржима назарияси* хусусида баъзи кўрсатмаларнинг юзага келиши эса 5-6 асрлар билан ўлчанса, Россия ва Ўзбекистонда бу ҳолат ўзгача вақт кўрсаткичи билан тавсифланади. Бу ҳолат тил ва маданиятнинг тараққиётида тиллараро ва маданиятлараро ўзаро таъсирнинг махсус тури сифатида таржима фаолияти ва унинг тараққиёти тамойилларини ўрганиш заруратини кун тартибига киритади.

2. XX асрнинг 20-30 йилларига қадар нашр қилинган илк рисола ва таржима сифатини белгилаб берувчи мақолаларда таржима назариясининг айрим аспектлари хусусида баъзи фикрлар воқеланган бўлсада, таржима назариясини фан сифатида эътироф этувчи аниқ тезислар учрамайди. Таржима назариясининг Ўзбекистонда тараққий этишида, биринчидан, жаҳон мумтоз адабиёти асарларининг ўзбек тилига билвосита таржима қилиниши билан европа-ўзбек таржимачилик амалиёти анъаналарининг бошланиши, иккинчидан эса, таржимон ва адабиётшунос олимлар томонидан таржима танқиди ва таржима назариясига оид илк илмий ишларни яратилиши ҳамда “Academia” нашриётининг ташкил қилиниши муҳим рол ўйнаган.

3. XX асрнинг биринчи ярмида рус ва ўзбек муаллифлари томонидан нашр қилинган ишларнинг таҳлил объектини асосан Европа бадий адабиётининг рус ва ўзбек тилларига ва рус бадий адабиётнинг ўзбек тилига таржималари ташкил этган ҳолда, таҳлилни асосий предмети сифатида аксарият ҳолларда адабий таржима усулининг танланиши таржима назариясининг адабиётшунослик йўналишида тараққий этишини бошлаб берган.

4. Ўтган асрнинг ўрталарида таржима назариясининг мустақил фан бўла олиш мақоми хусусида ўзига хос мунозарали, ҳатто бир-бирини инкор этувчи иккита фикрнинг шаклланиши икки хил, яъни таржима адабий жараён ва



бадий ижод, таржима назарияси эса адабиётшуносликка асосланган фандир ва таржима матн билан боғлиқ лингвистик жараён, таржима назарияси ҳам лисоний таҳлилга асосланган тилшунослик тадориғидаги фан, деган таърифнинг оммалашшига асос бўлган. Адабиётшунос ва тилшунослар ўртасидаги ўзаро тортишувлар аста-секин таржима назариясининг илмий парадигма сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнади.

5. Таржима назарияси ва амалиёти ҳамда уни ўқитиш методикасига бағишланган дастлабки назарий тадқиқотларда аслият ва таржималарда асар мазмуни ва эстетик ғоясининг қай тарзда тикланиши, таржимадаги муваффақиятлар ва камчиликлар хусусида фикр юритилади ҳамда жанр хусусиятларига кўра асарни таржима қилишда рол ўйновчи асосий омиллар эътиборга олиниши, таржиманинг эквивалент, аналог, адекват нусхаларини яратишда ягона, яъни аслият матнини таржимада муқобил кўчириш мақсади кўзда тутилади деган назарий фикр ўртага ташланади.

6. Европа ва ўзбек таржима назарияси тараққиётининг ушбу босқичида адабий таржима муаммолари билан бир вақтда лингвистик таржима муаммолари ҳам “Babel” журнали, “Мастерство перевода” алманахи ва “Тетради переводчика” илмий тўпламларида кенг талқин қилина бошлади. Бу жараёнда Европада таржима назариясини мустақил фан сифатида яратиш вазифасини амалга ошириш, лингвистик таржима жараёнини ўрганишга назарий ёндашувлар, таржимани умумий тилшунослик муаммолари доирасида ўрганиш тезислари илгари сурилди. Таржима фаолиятида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва техник матнлар таржимасида сўз ва иборанинг аналог вариантдан, бадий матнлар таржимасида эса сўз ва иборанинг адекват вариантдан фойдаланиш усуллари хусусида таъкидлар тавсия сифатида тақдим этилади.

7. Лингвистик таржима назарияси масалалари бўйича жаҳон ва ўзбек таржима илмида пайдо бўлган янги тадқиқотларда таржима жараёнини ўрганиш, унинг гипотетик моделларини яратиш, лексик, грамматик ва матн мосликларини ўрнатиш учун асл ва таржима матнларини таққослаш, таржима қонуниятларини аниқлаш ва асл нусха мазмунини узатишда таржима усуллари тавсифлаш ҳамда таржима эквивалентлиги (адекватлиги) мезонлари ва таржимани ўқитишнинг самарали усуллари излашга эътибор қаратилган.

8. 1960-йиллар таржиманинг барча соҳаларини қамраб олувчи ягона концепцияни ишлаб чиқиш ҳаракатлари жадаллашди. Рус таржима-ушунослигида реалистик таржима, яъни, аслиятга содиқлик ва таржимада “аниқлик”ка эришиш тенденцияси шаклланди. Реалистик таржимани назарий тизимга солиш ишлари амалга оширилди ва бу назария таржима санъатининг олий намунаси даражасига кўтарилди.

9. Россия ва Ўзбекистонда лингвистик таржима назариясининг юзага келиши ҳамда тараққий этишига ҳисса қўшган омиллар қаторига рус ва ўзбек таржимашунос олимлари томонидан таржима илмининг лингвистик муаммоларига бағишланган илмий назарий тадқиқотлар ва амалий дарсликларнинг яратилишини ҳам киритиш мумкин.

10. XX асрнинг 70-йилларида таржима жараёнини ўрганишнинг турли услублари хилма-хилликка урғу бериш, эски, истеъмолдан қолган таржима терминологиясини рад этиш, таржимоннинг асл матнни бошқариш имкониятини биринчи ўринга олиб чиқиш ва таржимани асл матн ва таржима матн ўртасидаги бўшлиқ орқали кўприклар қуриш воситаси сифатида кўриш таржимашунослик оламидаги ўзгаришларни акс эттирган ҳолда, унинг қиёсий адабиётшуносликнинг аҳамиятсиз йўналиши бўлмасдан, ҳақиқатан ҳам тўлақонли илмий фан сифатида кўплаб муҳим ва кенг қўлланиладиган натижаларга эга бўлган кенг ва кўп қиррали тадқиқот соҳаси эканлигини тасдиқлади.

11. Лингвистик таржима назарияси доирасида таржима амалиётига қўйиладиган талаблар ҳам ишлаб чиқила бошланди, жумладан, таржима матннинг прагматик матн, бадиий матн ва оғзаки матн турига мансублигига таржима сифатининг боғлиқлиги кузатилади. Биринчисида таржимон аниқлик ва муқаррарликка, иккинчисида образлиликка, учинчисида эса суҳбатдош нутқининг мазмунига асосий эътиборни қаратмоғи лозимлиги ҳақидаги назарий фикрлар таъкидланади.

12. Лингвистик таржима назарияси тараққиётида таржиманинг коммуникатив асослари, реалистик таржима ва машина таржимаси назарияларининг яратилиши ҳамда “интерпретацион (талқинга оид) ҳодиса”нинг пайдо бўлиши таржима назарияси тараққиёти тамойилларининг янада бойитилганидан далолат беради. Натижада *таржима назарияси* тушунчасининг мазмун кўлами умумий, жузъий, махсус ва машина таржимаси назариялари билан янада кенгайиб боради.

13. XX аср охири – XXI асрнинг бошларида таржимонларнинг касбий савиясини ошириш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича халқаро ҳуқуқий меъёрларни тайёрлаш тамойиллари хусусида билдирилган фикрлар Европа ва ўзбек таржима назариясинг юқори тараққиёт босқичига кўтарилганидан дарак беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

---

**ДЖИЗЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**МУХАМЕДОВ АЗИЗБЕК ХОЛМУРАТ УГЛИ**

**ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЯ В ЕВРОПЕ И В  
УЗБЕКИСТАНЕ В XX ВЕКЕ**

**10.00.06 – Сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и  
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером № B2019.2.PhD/Fil873.

Диссертация выполнена в Джиззакском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех (узбекский, русский, английский (резюме) языках размещен на веб-странице Научного совета ([www.samdchti.uz](http://www.samdchti.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

Научный руководитель:

**Холбеков Мухаммаджон Нуркасимович**  
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

**Каршибоева Улжон Давировна**  
доктор филологических наук, доцент

**Иудюшев Улутбек Равшанбекович**  
доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Ведущая организация

**Узбекский государственный университет  
мировых языков**

Защита диссертации состоится 28 Июне 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном институте иностранных языков (Адрес: 140104, город Самарканд, улица Бустонсарой д.93.Тел: (8366) 233-78-43; факс; (99866) 210-00-18; e-mail; [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного института иностранных языков (зарегистрирована за номером 35). (Адрес: 140104, город Самарканд, улица Бустонсарой д.93.Тел: (8366) 233-78-43; факс; (99866) 210-00-18; e-mail; [info@samdchti.uz](mailto:info@samdchti.uz)).

Автореферат диссертации разослан «12» Июне 2021 года.  
(Протокол рассылки № 23 от 12 Июне 2021 года).



**И.М. Тухтасинов**

Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
доктор педагогических наук,  
профессор

**Ш.С. Ашуров**

Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
кандидат филологических наук,  
доцент

**Ш.С. Сафаров**

Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению  
учёных степеней, доктор  
филологических наук, профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Прогресс науки переводоведения во всём мире, развитие культурных связей между народами и языками, исторические события XX века, важные для формирования теории перевода в качестве науки, исследование теоретических взглядов и концепций, изучение первых научных произведений и исследований, анализирующих различные направления перевода представляют собой большую значимость для научных изысканий в этом направлении. Определение факторов развития европейского и узбекского переводоведения, исследование стадий формирования переводческой науки, изучение теоретических проблем прямого и косвенного перевода с иностранных языков на узбекский язык и с узбекского языка на иностранные языки, выявление принципов развития узбекской теории перевода являются актуальными задачами переводоведения.

В настоящее время, в связи с интенсивным развитием мировой науки, формирование новых жанров и стилей в науке и литературе повысило спрос и потребность в теории и практике перевода, что послужило созданию основы для возникновения науки о переводе. Согласно утверждению основателя международной федерации переводчиков Пьера-Франсуа Кайе, XX век получил название “век перевода”. Обобщение и популяризация мнений по развитию переводческой науки, оказание помощи в более глубоком понимании сущности теории и практики художественного перевода, подробный анализ современных проблем переводоведения, исследование различных способов и направлений поиска их решения, освещение на основе новейших подходов, связанных с лингвистическим своеобразием, языковыми системами литератур различных национальностей, имеют чрезвычайно важное значение для науки.

За годы независимости сформировались принципы активного развития и внедрения концепции современных направлений мировой переводческой науки в теорию перевода в Узбекистане. Реформы, осуществляемые в нашей стране, охватили все сферы социальной жизни, в том числе и сферу перевода. В распоряжении Президента Республики Узбекистан “О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения” говорится о том, что в нашей стране “... не организована на системной, тщательно продуманной основе работа ... по отбору и переводу лучших произведений национальной и мировой литературы”, в связи с чем необходимо осуществить “критический анализ системы ... работы по переводу лучших произведений мировой литературы на узбекский язык и избранных произведений узбекской литературы на иностранные языки”<sup>67</sup>. Подробное научное обсуждение этих вопросов определяет актуальность темы настоящего исследования.

---

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши//“Халқ сўзи” 2017. 13 январь

Результаты настоящего диссертационного исследования в определённой степени служат реализации задач, установленные постановлением Президента Республики Узбекистан за номером ПП-2789 “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности” от 17 февраля 2017 года, постановлением Президента Республики Узбекистан за номером ПП-2909 “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года, указом Президента Республики Узбекистан за номером УП-4947 “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, а также распоряжением Президента Республики Узбекистан за номером Р-4789 “О создании комиссии по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению и пропаганде культуры чтения” от 12 января 2017 года, а также другими нормативно-правовыми актами в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан I. “Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства”.

**Степень изученности проблемы.** В начале XX века теория перевода в нашей стране стала формироваться и развиваться параллельно с теорией перевода в Европе. Изначально в странах Европы понятие «перевод», имевшее сугубо определённое значение, применялось только касательно переводов исторических, философских и литературных произведений. В отношении устных переводов у славян использовался термин «Толмач», в немецком языке - “Dolmetscher”, в английском и французском языках - “Interpret”. Соображения по поводу теории перевода также имели общий смысл. В частности, по словам известного французского лингвиста Ж.Муне, в исследованиях Ф.де Соссюра (1857-1913) и О.Есперсена (1860-1943) отсутствуют мысли о теории перевода, даже в произведениях Ш.Балли (1865-1947) и Ж.Вандриеса (1875-1943) в этом направлении не встречаются системные тезисы<sup>68</sup>.

В 1950-е годы было доказано, что теория перевода является самостоятельной филологической наукой. Впоследствии, вышли в свет исследования крупных филологов и литературоведов Л.С. Бархударова, В.Н. Комиссарова, А.Д. Швейцера, А.В. Кунина, Я.И. Рецкера, П.Топера, Г.Гачечиладзе, Е.Эткинда, И.Ревзина, В.Розенцвейга, Г.Саломова и К.Мусаева, посвящённые лингвистическим и литературоведческим теоретическим вопросам переводоведения. Среди них появляются научные произведения по различным направлениям теории перевода, принадлежащие

---

<sup>68</sup> Mounin, G. Die Übersetzung: Geschichte, Theorie, Anwendung. München, 1967, S. 66

перу таких учёных, как Р.Якобсон, А.Людсканов, О.Каде, Р.Юмпельт, И.Левый, А.Попович, Р.Клёпфер, Р. Ветеноу. М.Снелл-Хорнби, В.Вильс, Ж.Холмс, Г.Гадамер, А.Лилова и Г.Тури. В этот период узбекские учёные в области теории перевода также не остались в стороне, в частности Ю.Пулатов, М.Расулий, Н.Комилов, М.Бакоева, Л.Абдуллаева, А.Абдуазизов, Ж.Буронов, Э.Азнаурова и К.Мусаев.

Первые научные изыскания в области теории перевода начали появляться в 20-е годы прошлого века. В опубликованных в то время монографиях Ф.Р. Амоса<sup>69</sup>, Ж.П. Постгейта<sup>70</sup>, А.М. Финкеля<sup>71</sup>, М.П. Алексеева<sup>72</sup>, С.Сиддика<sup>73</sup> высказывались мысли о различных аспектах переводческой науки.

В 1950-е годы в диссертациях, защищённых узбекскими учёными Ж.Шариповым<sup>74</sup>, Н.Владимировой<sup>75</sup>, М.Расулий<sup>76</sup>, Г.Саломовым<sup>77</sup>, Ю.Пулатовым<sup>78</sup>, теория перевода была признана в качестве науки.

Во второй половине прошлого века в Узбекистане были проведёны ряд исследований, посвящённых теории перевода. Были защищены кандидатские диссертации Ю.Пулатова, К.Мусаева, А.Нарзикулова, Д.Гуломовой, Р.Сайфуллаевой, С.Очила, Я.Эгамовой, И.Мирзаева, М.Холбекова, Е.Хамроева, Р.Абдуллаевой, Г.Хужаева, К.Тожиева, У.Сотимова, К.Жураева, С.Олимова, докторские диссертации К.Мусаева, Н.Комилова и М.Холбекова, посвящённые различным проблемам теории перевода с западных языков на узбекский язык и с узбекского языка на иностранные языки.

**Связь темы исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках пункта научно-исследовательского плана Джизакского государственного педагогического института имени А.Кадыри “Лингвистические и литературоведческие проблемы теории перевода”.

**Цель исследования** состоит в сопоставлении традиций узбекского переводоведения XX века с переводческой наукой Европы и бывшего Советского Союза, и определении их достоинств и недостатков.

**Задачи исследования** заключаются в следующем:

исследование формирования европейского и узбекского переводоведения в качестве науки в XX веке;

---

<sup>69</sup> Amos F.R. Early theory of Translation. N.Y., 1920. – 184 p.

<sup>70</sup> Postgate Z.P. Translation and translations. Theories and practice. - London, 1922. – 206 p.

